

Черковдаги муслима аёл

Зуннун Мисрий дебдурки, менга ибодатга каттик берилган бир канизакни мактадилар. Каердалигини суриштирдим. Дедиларким, бир дайр(черков)да манзил тутмиш.

Айтилган дайрга бордим. Жуда озгин бир заифани кўрдим, уйкусизлик кўзларидан намоён эди. Салом килдим, алик олди. Дедим:

- Насронийлар масканида яшаяпсан?!

Деди:

- Кўз очгач, Тангри таолодан ўзга икки дунёда киши кўрармисан?!

Дедим:

- Ёлгизликдан хеч кўркканмисан?!

Деди:

- Мендан йирок бўл. Ул Зот менинг кўнглимни латиф хикматлари ва мухаббатидан андоқ тўла килибдики, кўнглимга Ундан Ўзга хеч махлук хаёли сигмас.

Дедим:

- Сени ўз нафсингга хокима кўрмоқдаман, мени бу йўл торлигидан чиқар ва тўгри йўлга хидоят кил!

Деди:

- Эй йигит, таквони йўл озиги кил ва зухдни йўлинг, пархезкорликни сафар халтаси айла, Худодан кўркувчилар йўлида сулук кил. Окибат бир эшикка етгайсанки, на эшикбон бор, на коровул. Хазиначонларига буюр-гайларки, барча ишда сенга бўйсунгайлар.